

Мусулмонларнинг рамазонни кутиб олишлари

Атийя Мұхаммад Солим

Сизларга ушбу ойингиз кириб
келмокда. Расулуллоҳ соллаллоҳу
алайҳи ва саллам қасамёд қилувчи
Зотга (Аллоҳга) қасамки,
мусулмонларга бу ойдан кўра
яхшироқ ой, мунофиқлар учун эса бу
ойдан кўра ёмонроқ ой асло
келмаган.

<https://islamhouse.com/۲۳۰۷۰>

- Мусулмонларнинг рамазонни кутиб олишлари
 - Рамазоннинг тарихи, одоблари
 - Рўзанинг машруъ бўлиши
 - Рўзанинг одоб ва аҳкомлари

Мусулмонларнинг рамазонни кутиб олишлари

Рамазоннинг тарихи, одоблари

Аллоҳга ҳамду санолар,
пайғамбарлар сўнгтиси саййидимиз
Муҳаммад ибн Абдуллоҳга ҳамда у
зотнинг ахлу асҳобига салавоту
саломлар бўлсин. Уларга эргашган,

уларни дўст тутган ҳидоят имомларидан, улар қатори бизлардан ҳам Аллоҳ рози бўлсин, барчамизни Ўзи суйган ва рози бўладиган амалларга муваффақ айласин.. Аммо баъд...

Асри саодатда мусулмонлар Рамазон ойини ўзгача бир муштоқлик билан кутиб олишар, унга қаттиқ аҳамият беришар, унинг келишидан бошлари осмонга етгудек қувониб, алоҳида тайёргарлик кўришар эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазонга етказишини сўраб Аллоҳга дуо қилардилар.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ражаб ойи кирганида: «Парвардигоро, Ражаб ва Шаъбонни бизлар учун баракотли қилгин ва бизларни Рамазонга етказгин» деб дуо қиласылар. (Имом Аҳмад, Табароний, Байҳақий ривоятлари).

Мусулмонлар уни: «Парвардигоро, Рамазон ойи кириб келмоқда. Уни бизга, бизни унга саломат етказгин, унинг рўзаси ва таровехларини бизга насиб айла. Унда бизни ибодатга астойдил бел боғлашимизга муваффақ қилиб, ялқовлик ва сустликдан узоқ қил. Унда бизни

фитналардан асра» деган илтижолар билан кутиб олишарди.

Чунки улар Рамазоннинг фазилатини, бу ойда ўзларига бўладиган Аллоҳнинг фазлу марҳаматларини, Аллоҳ таоло бандаларига мўл-кўл раҳматини туширишини, улар устига файзу баракотини ёғдиришини, ризқи рўзларини сероб қилишини ҳамда уларни гуноҳ-хатолардан асрашини яхши билардилар. Чунки, бу ойда улар учун жаннатларнинг дарвозалари очилиб, жаҳаннам қопқоқлари беркитилади. Бу ой Ислом уммати учун фасли баҳор, ибодатлар мавсуми, яхшиликлар

бозоридир. Мүмин учун бу ойдан афзали йўқ, бу ойда қилинган амаллардан афзалроқ амал йўқ. Бу, ҳақиқатан, мўминлар учун ғанимат ойидир.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَظْلَكُمْ شَهْرُكُمْ هَذَا،
بِمَخْلُوفِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَا مَرَّ بِالْمُسْلِمِينَ شَهْرٌ قَطُّ خَيْرٌ لَهُمْ وَمَا مَرَّ
بِالْمُنَافِقِينَ شَهْرٌ قَطُّ أَشَرُّ لَهُمْ مِنْهُ، بِمَخْلُوفِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّ اللَّهَ يُكَثِّفُ أَحْرَةَ
وَقَوْاْفِلَهُ وَيُكَثِّفُ إِصْرَهُ وَشَقَاءَهُ مِنْ قَبْلِ أَنْ يَدْخُلَهُ، وَذَلِكَ لِأَنَّ الْمُؤْمِنَ يُعْدُ فِيهِ الْقُوَّةَ مِنْ النَّفَقَةِ لِلْجَاهَةِ
وَيُعْدُ فِيهِ الْمُنَافِقُ ابْتِغَاءَ عَفَلَاتِ الْمُؤْمِنِينَ وَعَوْرَاتِهِمْ، فَعُنْمَ يَعْنِمُ الْمُؤْمِنَ (رواه أحمد وابن
خزيمة).

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам марҳамат қилдилар:

«Сизларга ушбу ойингиз кириб келмокда. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам қасамёд қилувчи

Зотга (Аллоҳга) қасамки,
мусулмонларга бу ойдан кўра
яхшироқ ой, мунофиқлар учун эса бу
ойдан кўра ёмонроқ ой асло
келмаган. Расулуллоҳ соллаллоҳу
алайҳи ва саллам қасамёд қилувчи
Зотга қасамки, албатта, Аллоҳ бу
ойнинг ажру савобини ва
инъомларини, ҳамда унинг гуноҳ ва
бахтсизликларини уни киритмасдан
илгариёқ ёзиб кўяди. Зоро, мўмин
киши бу ойда ибодат қилиш учун
(аввалдан) куч-қувватни ҳозирлаб
кўяди, мунофиқ эса бу ойда (имкони
бўлди дегунча зиён етказиш
мақсадида) мўминларнинг ғафлат ва
зайфлик онларини пойлаб юради. Бу

мўмин учун ғанимат фурсатдир.»
**(Имом Аҳмад ва Ибн Хузайма
ривоятлари).**

Зотан, бу ой мўмин учун ибодатлари ғанимат бўлган ойдир, унда намоз ва садақотларнинг ажри бир неча баробар зиёда қилинади, рўза билан биргаликда таровех намозлари ажридан фойдаланиб қолиш имкони берилади, мўмин киши унда Қуръон тиловатига, иймоний мажлисларга интилади, келгуси йилгача етарли руҳий-маънавий озуқа жамғаради. Шу боисдан ҳам салафларимиз Рамазонга етказишини сўраб олти ой Аллоҳга дуо қилишар, Рамазонга етгач, бу ойда ўзларига тавфик,

жидду жаҳд ва ғайрат тилашар ва
Рамазондан кейин олти ой
рўзаларини қабул қилишини сўраб
дую қилишар эди.

Дарҳақиқат, Расулуллоҳ соллаллоҳу
алайҳи ва саллам Рамазон ойининг
фазилатидан маҳрум бўлган одам
энди бошқа ойларда ҳаргиз унга
етолмаслигини, Рамазонда гуноҳлари
мағфират қилинмаган инсонни
Аллоҳ жаҳаннамнинг узоқ қаърига
улоқтиришини хабар берганлар.

Бир куни минбарга кўтарилиб:
«Омин... Омин... Омин...» дедилар.
Саҳобалар бундай дейишларининг
сабабини сўрашганда: «Хузуримга

Жаброил келиб: Ким Рамазон ойига
етса-ю, гуноҳлари мағфират
қилинмаган бўлса, Аллоҳ уни (**Ўз**
раҳматидан) узоқлаштириб, дўзахга
улоқтирсин, “Омин” денг, деди, мен
“Омин” дедим. Ким ота-онасини ёки
улардан бирини (**кексалик**
пайтларида) топган бўлса-ю, (**уларни**
норози қилиб) гуноҳлари
кечирилмаган бўлса, Аллоҳ уни (**Ўз**
раҳматидан) узоқлаштириб, дўзахга
улоқтирсин, “Омин” денг, деди, мен
“Омин” дедим. Ким сизнинг
номингиз зикр этилганда сизга
салавот айтмаса, Аллоҳ уни (**Ўз**
раҳматидан) узоқлаштириб, дўзахга
улоқтирсин, “Омин” денг, деди, мен

“Омин” дедим.», дедилар.
(Табароний, Байҳақий, Абу Яъло,
Ибн Ҳиббон ривоятлари).

Ажабо, Жибрил алайҳис-саломдек
ваҳий ва раҳмат фариштаси бўлган
зот Рамазон ойига етиб, гуноҳлари
кечирилмаган мусулмон банда
ҳақида «**Аллоҳ уни дўзахнинг**
қаърига улоқтирсин» дебдилар, деган
фикр кўнгилдан кечади. Лекин,
Рамазоннинг фазилатларини тааммул
қилиб кўрсак ва унинг хосиятларини
ўргансак, ҳақиқатан унинг раҳмат ва
мағфират ойи эканини, унда
мағфират ва раҳматга сабаб бўлувчи
тоат-ибодатлар бисёр ва муюссар
эканини, хоҳлаган киши бунга

осонгина эришиши мумкинлигини,
ва шу билан бирга ёмонлик
омиллари чекланган, шайтонлар
занжирбанд этилган, Аллоҳ
таолонинг раҳмати ёғилиб
турган, Аллоҳ ҳар кеча дўзахдан ўзи
хоҳлаганча одамни озод қилиб
турган, жаннат дарвозаларининг
ҳаммаси очиб қўйилган, дўзах
эшиклари ёпиб қўйилган эканини,
шунчалар имкониятлар бўлишига
қарамасдан ушбу кимса
гуноҳларининг кечирилишига
эришмаганини билгач,
ажабланишимиз ўз-ўзидан ғойиб
бўлади. Ахир, шунчалар шароитлар
муҳайё бўлатуриб, кимки Аллоҳнинг

раҳматига эришолмаган бўлса, унда қачон эришади. Кимки шу ойда мағфиратга лойик бўлолмаса, энди қачон лойик бўлади?! Ким даромад мавсумида фойда ўрнига зиён қилса, унда қачон фойда қилади?! Ким денгизда чўмилиб, тозаланмаган бўлса, унда қаерда тозаланади?!

Худди шунга ўхшаш, кимки Рамазонда тавба билан, гуноҳлардан тийилиш, Аллоҳнинг ибодатига қайтиш, duo ва илтижолар билан гуноҳларининг кечирилишига эришмаса, унда қачон эришади?! Минг ойдан яхшироқ бўлган бир кечада бу шарафга ноил бўлмаса, унда қачон ноил бўлади?! Бу

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қуидаги ҳадислари мазмунига ўхшаб кетадики:

مَنْ لَمْ تَتَهَّهُ صَلَاتُهُ عَنِ الْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ، لَمْ يَزُدْ مِنَ اللَّهِ إِلَّا بُعْدًا

«Кимни намози фахшу мункардан
қайтармаса, унинг Аллоҳдан
узоқлашиши яна ҳам зиёда бўлади.»
(Табароний Ибн Аббос розияллоҳу
анҳудан ривоят қилган).

Яъни, бир кунда беш бор
Парвардигорининг ҳузурида туриб,
У зотга муножот қилиши ўз нафсиға
таясир ўtkазмаса, ким энди уни
ёмонликдан тия олади?!! Рўза
хусусидаги гап ҳам худди шунинг
ўзи!

Шунингдек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳар бир мўмин устидаги ҳақлари нақадар буюк ва Аллоҳнинг ҳузурида қадрлари қанчалар улуғ бўлгани ҳолда, Аллоҳ бу умматга ва бутун инсониятга ато этган яхшиликларни у зотнинг қўллари билан етказгани, бизларни Аллоҳга яқинлаштирадиган бирон бир яхшилик борки унга йўллаганлари, бизларни Аллоҳдан узоқлаштирадиган бирон бир ёмонлик борки ундан огоҳлантирганлари ҳолда, Аллоҳ таоло у зотга салавот ва салом айтишимизга буюриб, ким бир марта салавот айтса унга ўнта салавот

айтишни ваъда қилган бўлса-ю,
номлари зикр қилинган пайтда у
зотга салавот айтмаган ёки унга
бепарво қараган одам куфрони
неъмат ва нонкўрлик қилган бўлади,
Аллоҳнинг раҳматидан узок бўлиб,
жаҳаннамга улоқтирилишга лойик
бўлади.

Шунингдек, ким дунёга келишига
сабабчи бўлган ота-онасини топган
бўлса-ю, уларни ўзининг жаннатга
киришига сабабчи қилолмаса –
холбуки, жаннат оналар оёқлари
остида – ота-онага яхшилик
қилмасдан уларга оқ бўлса, бу одам
ҳам ҳақиқатан, Аллоҳнинг

рахматидан узок бўлиб, дўзахга улоқтирилишга лойикдир.

Мазкур учта иш – Рамазон ойи, ота-онага яхшилик қилиш ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг номлари зикр қилинганда салавот айтиш жаннатга кириш сабабларидан ва дўзахдан узоқлаштирувчи ишлардан бўлиши жиҳатидан бир ўринда келтирилиши диққатни тортади. Зеро, ота-онанинг ҳаққи Аллоҳнинг ҳаққи билан боғлиқ ва ёнма-ён:

(وَقَضَى رَبُّكَ أَلَا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ وَإِلَّا لِلَّهِ الْدِّينُ إِحْسَانٌ)

«Парвардигорингиз ёлғиз Унинг Ўзига ибодат қилишларингизни

ҳамда ота-онага яхшилик
қилишларингизни амр этди.»
(Исро: ۲۳).

Маълумки, Расулуллоҳ соллаллоҳу
алайҳи ва салламнинг зикрлари
Аллоҳнинг зикри билан боғлиқ ва
ёнма-ён. Худди шу каби, Рамазон
ҳам ҳаққи улуғ ва фазли зиёда
бўлгани учун ҳамда бу ойда ислом
умматига ато этилган улуғ хосиятлар
туфайли улар билан ёнма-ён
келтирилди.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَعْطِيَتُ أُمَّتِي خَمْسَ حَصَالَ فِي رَمَضَانَ لَمْ تُعْطُهَا أُمَّةٌ قَبْلَهُمْ خَلْفُ فِيمَا الصَّالِمُ أَطْبَعَ عِنْدَ اللَّهِ مِنْ رِيحِ الْمِسْكِ وَسَنَنَغُفرُ لَهُمُ الْمَلَائِكَةُ حَتَّى يُفْطِرُوا وَيُرِيَنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ كُلَّ يَوْمٍ جَنَّتَهُ تَمَّ بِقُولٍ يُوْشِكُ عَبَادِي الصَّالِحُونَ أَنْ يُلْقَوُا عَنْهُمُ الْمُنْوَنَةَ وَالْأَذَى وَيَصِيرُوا إِلَيْكَ وَيُصَدَّقُ فِيهِ مَرَدَةُ الشَّيَاطِينِ فَلَا يَخْلُصُونَ إِلَى مَا كَانُوا بَعْلَمُوْنَ إِلَيْهِ فِي غَيْرِهِ وَيُعْفَرُ لَهُمْ فِي أَخِرِ لَيْلَةٍ قَبْلَ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَهْيَ لِيَلَةُ الْقَدْرِ قَالَ لَا وَلَكُنْ الْعَالِمُ إِنَّمَا يُوْفَى أَجْرَهُ إِذَا قَضَى عَمَلَهُ (رواه احمد).

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан
ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ
соллаллоху алайҳи ва саллам
айтганлар:

«Рамазон ойида менинг умматимга
улардан аввалги умматларга
бериlmаган бешта хислат берилди:

- ۱) Рўзадор оғзининг бўйи
Аллоҳнинг наздида мушк ҳидидан
хушбўйроқдир;
- ۲) Уларга то ифтор қилгунларига
қадар малоикалар истиғфор айтиб
турадилар;
- ۳) Аллоҳ азза ва жалла ҳар куни
жаннатини зийнатлайди, **сўнг унга:**

«Солиҳ бандаларим мاشаққат ва озорлардан қутилиб, сенга келишларига оз қолди», дейди.

- ξ) У кунда шайтонларнинг ашаддийлари занжирбанд қилиниб, бошқа пайт қилиб юрган ишларига эриша олишмайди;
- ο) Рамазоннинг охирги кечасида рўзадорларнинг гуноҳлари мағфират қилинади.

Шунда: - «Ё Расулаллоҳ, у кеча қадр кечасими?» - деб сўрадилар.

— «Йўқ, хизматчи қачонки ишини тугатса унинг ҳақини тўла қилиб

берилади», - дедилар. (Имом Аҳмад ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا كَانَ أَوَّلُ لَيْلَةٍ مِّنْ شَهْرِ رَمَضَانَ صُقِّدَتِ الشَّيَاطِينُ وَمَرَدَةُ الْجِنِّ وَغُلِقَتِ أَبْوَابُ النَّارِ فَلَمْ يُفْتَحْ مِنْهَا بَابٌ وَفُتُحَتْ أَبْوَابُ الْجَنَّةِ فَلَمْ يُغْلِقْ مِنْهَا بَابٌ وَبُنِيَادِي مُنَادِيَ يَا بَاغِيَ الْخَيْرِ أَفْلِيْ وَيَا بَاغِيَ الشَّرِّ أَفْصِرْ وَلَلَّهِ عُنْقَاءُ مِنْ النَّارِ وَذَلِكَ كُلُّ لَيْلَةٍ (رواه الترمذی)

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: «Рамазон ойининг биринчи кечасидан шайтонлар ва жинларнинг ашаддийлари кишанланади. Дўзах қопқалари ёпилиб, уларнинг биронтаси очилмайди. Жаннат дарвозалари очилиб, уларнинг биронтаси ёпилмайди. Бир фаришта: «Эй яхшилик талабгори, савоб ишларга кириш! Эй ёмонлик

талабгори, гуноҳ ишлардан тийил!», -
деб нидо қилиб туради. Бу ойда
Аллоҳнинг марҳамати билан кўплаб
дўзахдан қутулувчилар бўлур.
Бундай фазилатлар унинг ҳар бир
кечасида мавжуддир.» (**Имом**
Термизий ривояти).

Аллоҳ таолодан бизларни
яхшиликларга муваффақ қилиши,
яхши ишларга қадам қўйишни
бизларга насиб айлаши, бизларни
ёмонликлардан узоқ қилиши,
қадамларимизни ёмонликдан тийиши
ва бизларни Ўзининг марҳамати
билан дўзахдан озод қилинувчилар
сафида қилишини сўраймиз. У
эшитувчи ва ижобат қилувчи Зотdir.

Рўзанинг машруъ бўлиши

Рўза илгариги умматларга ҳам фарз
қилиб келинган кўхна
ибодатлардандир. [Аллоҳ таоло](#)
айтади:

(بِإِنَّمَا أَنْهَاكُمُ الْأَذْيَانَ مِنْ فِي الْأَرْضِ مِمْنُ عَلَيْكُمُ الْحِلْمُ لَعَلَّكُمْ تَتَّعَالَوْنَ)

«Эй мўминлар, тақволи кишилар
бўлишингиз учун сизлардан илгари
ўтганларга фарз қилингани каби
сизларга ҳам саноқли кунларда рўза
тутиш фарз қилинди.» ([Бақара: ۱۸۳](#)).
Демак, у биздан олдингиларга ҳам
машруъ ва фарз қилинган бўлиб,
илгариgilарнинг рўзаси билан
бизнинг рўзамиз ўртасида кайфиятда
фарқлар бўлиши мумкин. Зоро, ҳар

бир уммат учун фаръий масалалари ва ибодатларининг кўринишида ўзига хос қонун-қоида ва йўл-йўриклар бор.

Илгариги умматлар рўзаларининг турли кўринишлари мавжуд бўлиб, **биз улардан айримларини мисол тариқасида келтириб ўтамиз:**

а) Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

أَحَبُّ الصِّيَامِ إِلَى اللَّهِ صِيَامٌ دَأْوَدَ كَانَ يَصُومُ يَوْمًا وَيُفْطِرُ يَوْمًا

«Рўзалар ичida Аллоҳга энг суюмлиси биродарим Довуднинг рўзасидир, у бир куни рўзадор, бир

куни оғзи очик бўлар эди», дедилар.
(Муттафақун алайх).

У: «Рўза тутган куним фақир-
бечораларни эслайман. Рўза
тутмаган куним эса Аллоҳнинг
неъматига шукrona келтираман»,
деган эди.

б) Марям алайҳас-саломнинг рўзаси.
Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай ҳикоя
қиласди:

(فَإِنَّمَا تَرَىٰ مِنَ الْبَشَرِ أَحَدًا فَقُولِي إِنِّي نَذَرْتُ لِلرَّحْمَنِ صَنْوْمًا فَلْنُ أَكَلُمُ الْيَوْمَ إِنْسِيَّاً).

«...агар одамзоддан биронтасини
кўриб қолсанг, ҳолда: «Мен Раҳмон
йўлида рўза тутмоқни назр (**ахд**)
қилганман, бас, бугун бирон инсонга
сўзламайман», дегин.» (Марям: ۲۶).

Унинг рўзаси таомдан эмас, балки сўзлашувдан тийилиш кўринишида эди.

в) Набийюллоҳ Мусо алайҳис-саломнинг Аллоҳ таоло билан ваъдалашган пайтидаги рўзаси:

(وَإِذْ وَاعَدْنَا مُوسَى أَرْبَعِينَ لَيْلَةً)

«Мусо билан қирқ кечага ваъдалашганимизни ... эсланглар». (Бақара: ۱۵۱)

Уламоларнинг айтишларича, Мусо алайҳис-салом мuloқотга ҳозирланиб ва муножотга тайёрланиб кунларини рўза билан ўтказди.

г) Мусо алайхис-салом Аллоҳ таоло уни Фиръавндан қутқарганига шукrona сифатида Ошуро куни рўза тутган, сўнг яҳудлар унинг рўзасини мерос олиб, тутиб келишган, то Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага ҳижрат қилиб келган пайтларгача ҳам тутишарди. Оиша розияллоҳу анҳо ривоят қилган ҳадисда айтилишича, араблар ҳам жоҳилият даврида шу куни рўза тутишар, шу куни Каъбани улуғлашар ва унинг ёпқичини янгилашарди.

Исломда рўза жорий бўлишининг аввали – Ошуро (**яъни, Муҳаррам ойининг ўнинчи**) куни рўзаси эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага янги келганларида яхудийлар шу куни рўза тутишларини билгач, улардан бунинг сабабини сўрадилар. **Улар:** «Аллоҳ Мусога шу куни Фиръавндан нажот берган, у бунинг шукронасига рўза тутган, биз ҳам шу сабабдан бу куни рўза тутамиз», дейишиди. **Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:** «Биз Мусога сизлардан кўра ҳақлироқмиз» дедилар ва рўза тутдилар, мусулмонларни ҳам шу куни рўза тутишга буюрдилар. **Мадинанинг чор-атрофига жарчи юбориб:** «Ким бугун рўза тутган бўлса рўзасини давом эткизсин, ким

тутмаган бўлса куннинг қолган
қисмида бўлса ҳам тутсин» деб
эълон қилдирдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва
саллам: «Келаси йилгача ҳаёт
турсам, (**Мұхаррамнинг**) тўққизинчи
куни ҳам албатта рўза тутаман»,
дедилар. (**Имом Муслим ривояти**).

Яъни, ўнинчига тўққизинчи куни
қўшиб тутиш билан рўзалирини
яҳудийларнинг рўзасидан бошқача
қилишни истадилар^[1]. Шу ерда бу
икки иш тўғрисида андаккина фикр
юритиб кўрайлик. Расулуллоҳ
соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг
Ошуро куни рўза тутишлари

яҳудийларнинг шу куни рўза тутишларига ўхшагани ҳолда, тўққизинчи кунини ҳам рўзага айлантиришлари энди уларга қарама-қарши иш қилиш бўлди.

Биринчисида улар билан мувофиқлик, иккинчисида яна бир кун қўшиш билан эса уларга хилоф қилишлари кўринди.

Демак, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Ошуро куни рўза тутишлари факатгина яҳудийлар ишини маъқуллашнинг ўзигина бўлмади. Бунга далил шуки, у зот тўққизинчи кунни қўшиш билан уларга хилоф қилдилар, бундан ташқари рўзаларининг

сабаби – Мусо алайҳис-саломни рўза тутишга чорлаган айни сабаб, яъни Аллоҳ таоло денгиз ичра йўл очиб Мусо ва қавмини кутқаргани, Фиръавн ва унинг қавмини эса ҳалок қилганига шукrona рўзаси эканини эълон қилдилар. Мазкур сабабнинг пайғамбарларнинг умматлар билан бўлган тарихида ва барча динларда ўзига хос аҳамияти ва улкан маъноси бор. Чунки, бу воқеа қачон ва қаерда бўлганидан, бу воқеада иштирок этган шахслар кимлигидан қатъий назар, ҳақ билан ботил ўртасидаги давомий курашда ҳақнинг ботил устидан ғолиб чиқишининг исботи ва эълони эди. **Шу сабабдан ҳам**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Биз Мусога сизлардан кўра ҳақлироқмиз», дедилар. Шунингдек ул зот пайғамбарлик алоқалари ўзаро чамбарчас боғлиқ эканини: «Биз пайғамбарлар жамоаси ота бир она бошқа фарзандлармиз, динимиз бирдир», деган сўzlари билан баён қилдилар. Зотан, Мусонинг душманидан нажот топиши Аллоҳнинг дини ва пайғамбариининг ғалабасидир. Моҳият жиҳатидан Мусо алайҳис-саломнинг замони бўлсин ёки Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам замонлари бўлсин, ҳеч фарқсиз баробар. Чунки, масала – ҳақнинг қарор топиши ва

адолатнинг ғалабаси масаласидир. Бу эса Исломнинг ва мусулмонларнинг асосий мақсадларидан.

Бу ерда эътибор қаратилиши керак бўлган нуқта – Аллоҳ таоло бу кунда яхшиликни ғолиб қилгани муносабати билан шу кунни рўза тутиш ила улуғлаш, уммат ўзининг тарихий воқеаларини хотирлашга ва уларни шаръий кўринишда нишонлашга ҳақли эканидир.

Сўнг ҳижратнинг иккинчи йилида Рамазон ойининг рўзаси фарз қилинди.

Рамазоннинг фарз бўлиши борликдаги энг улкан воқеага –

ҳидоят тонгининг отишига, жаҳолат зулматларини ёриб ўтиб, **саодат** йўлларини ёритган ҳақиқат қуёшининг порлашига боғлиқдир:

(أَفْرَأَ إِلَّا سُمِّ رَبِّكَ الَّذِي خَلَقَ). .

«Яратган Парвардигорингиз номи билан ўқинг!» (Икроъ: ۱).

Ушбу оят рисолати Муҳаммадийяning фотиҳаси бўлди. Бу эса Рамазон ойида бўлган эди:

(شَهْرُ رَمَضَانَ الَّذِي أُنْزِلَ فِيهِ الْقُرْآنُ هُدًى لِلَّٰهِسْ وَبَيِّنَاتٍ مِّنَ الْهُدَىٰ وَالْفُرْقَانِ) .

«(У саноқли кунлар) Рамазон ойидирки, бу ойда одамлар учун ҳидоят бўлиб ва ҳидоят ва фурқон (ҳақ билан ботилни ажратгувчи)ning

очиқ оятлари бўлиб Қуръон нозил қилинган.» (Бақара: ۱۸۵).

Унинг нозил қилинган замони рўза тутиш билан шарафланишга ва таровеҳ намозлари билан нишонланишга ҳақли!! Тоинки уммат ўзининг Парвардигори билан бўлган алоқаларини мунтазам янгилаб турсин, динининг асосларига бўлган боғланишларини маҳкамлаб олсин!..

Ушбу улуғ рукннинг жорий бўлиши Алийм-Билимдон ва Хобийр-Хабардор Зотнинг ҳикмати тақозоси билан босқичма-босқич кечди. Энг аввал Ошуро рўзасини тутишга

буюрилди, кейин аниқ чекловсиз мутлақ рўза фарз қилинди: «сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди», сўнг мужмалликдан батафсилликка кўчилди: «саноқли кунларда».. Гарчи кунларнинг саноғи чекланмаган бўлса-да, бир неча кунлар эканини билдирувчи “жамъул-қилла” билан ифодаланди. Бу Қуръондаги Юсуф алайҳис-саломнинг арзимас пулга сотилиши ҳикоя қилинган оятга ўхшаб кетади: «уни арzon баҳода – бир неча тангага сотиб юбордилар...» (Юсуф:۹۰). Худди шунинг сингари бу ерда ҳам

нафсларнинг қабул қилиши осон бўлиши учун «саноқли кунларда» дейилди. Рамазоннинг ilk фарз қилиниши ихтиёрий кўринишда бошланди: «Рўза тутишга қийналадиган кишилар бир мискинбечоранинг бир кунлик таоми микдорида эваз тўлашлари лозим.» Сўнгра, қалбларга рўзанинг муҳаббати ўрнашиб, нафслар рўза тутишга анча кўниккач, рўза тутиладиган кунлар сони аниқ-тиниқ қилинди ва ихтиёрийлик олиб ташланди: «(У саноқли кунлар) Рамазон ойидирки, бу ойда одамлар учун ҳидоят бўлиб ва ҳидоят ва фурқон (ҳақ билан ботилни

ажратгувчи)нинг очик оятлари бўлиб
Куръон нозил қилинган. Бас,
сизлардан ким бу ойга ҳозир бўлса,
рўза тутсин».

Шу билан бир қаторда турли ҳолат
ва муносабатлар билан тутиладиган
нафл ва суннат рўзалар ҳам борки, бу
борада рўза бошқа ибодатлар ичида
алоҳида ўрин эгаллайди.

Жумладан: Ошуро кунининг рўзаси,
у тўла бир йиллик гуноҳларга
каффорат бўлади.

Арафотда бўлмаган кишилар учун
арафа кунининг рўзаси, у ўзидан
олдинги ва кейинги йил гуноҳларига
каффорат бўлади.

Шавволдан олти кун рўза тутиш, у Рамазон рўзаси билан биргаликда бир йиллик рўзага тенгдир.

Душанба кунидаги рўза, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шу куни туғилганлар ва шу куни пайғамбар бўлганлар.

Булардан бошқа, - чекланмаган кунлардаги рўза - ой тўлган кунлардаги уч кун рўза, пайшанба кунининг рўзаси ва ҳоказолар каби.

Шунингдек, баъзи нуқсонлар ўрнини тўлдириш ёки хатога фидя ёки танг аҳволдан қутулиш учун ҳам рўза тутиш машруъ бўлди.

Нуқсон ўрнини тўлдиришга мисол: ҳажнинг таматтуъ турида қурбонлик ўрнига рўза тутиш каби.

Қилинган хатога фидя бўлишига мисол: иҳромдаги одам ов овлаб қўйганда, жарима сифатида овлаган ҳайвонига teng чорва молини сўйишга қурби етмаса рўза тутиб бериши каби.

Танг ҳолдан қутулиш учун рўза тутишга мисол: зихор, қасам кабиларнинг каффорати ва бошқалар.

Мана шундай қилиб рўза бошқа ибодатлардан фарқли ўлароқ секин асталик билан, даражама-даражада

фарз бўлди. Қуръони Каримнинг рўзани фарз қилиниши борасида ўзига хос йўли мавжуд.

Исломда ҳар бир ибодатнинг ўзига хос хусусият ва ҳикматлари бор, ҳар бири худди жисмнинг озуқалари ҳар хил бўлганидек, рух учун ҳар турли озуқа бўлади.

Намозни оладиган бўлсак, у фаҳшу мункардан қайтаради ва гуноҳларни ювади. **Намоз Расулуллоҳ** соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг таъбирлари билан айтганда: «Ҳар бирингизнинг уйи олдидан оқиб ўтувчи бир анхорки, унда ҳар куни беш марта ювинади.»

Намоз қиёмат куни мўминлар
йўлини ёритувчи нур бўлиб
порлайди:

(يَوْمَ تَرَى الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمَنَاتِ يَسْعَى نُورٌ هُمْ بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَبِأَيْمَانِهِمْ بُشْرًا كُمُّ الْيَوْمَ جَنَاحٌ تَجْرِي مِنْ
ثَجْنَهَا الْأَنْهَارُ حَلَالِينَ فِيهَا ذَلِكُ هُوَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ).

«Мўмин ва мўминаларнинг
олдиларида ва ўнг томонларида
нурлари (яъни қилган яхши амаллари
йўлларини ёритиб) кетаётганини
курадиган Кунни (Эсланг)!»
(Ҳадид: ۱۲).

Ҳадисда айтилганидек:

وَ الصَّلَاةُ نُورٌ وَ الصَّدَقَةُ بُرْهَانٌ (رواه مسلم عن أبي مالك الأشعري)

«Намоз нур, садақа (соҳибининг
фойдасига) ҳужжатдир.» (Имом
Муслим ривояти).

Закотни олсак, у молни тозалаш ва
мол соҳибини поклашдир:

(خُذْ مِنْ أَمْوَالِهِمْ صَدَقَةً تُطَهِّرُهُمْ وَتُزَكِّيُهُمْ بِهَا)

«(Эй Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи
ва саллам), сиз уларни у сабабли
поклашингиз ва тозалашингиз учун
молларидан бир қисмини закот
сифатида олинг..» (Тавба: ۱۰۳).

Закот молни мискинларнинг
ҳақларидан тозалаш ҳамда унинг
зиёдалашиши ва сақланишига сабаб:

مَا نَقَصَ مَالٌ عَبْدٌ مِنْ صَدَقَةٍ (رواه الترمذی عن أبي كعبة الأنماري).

«Банданинг моли садақа билан
камайиб қолмайди.» (Имом
Термизий ривояти).

حَصَّلُوا أَمْوَالَكُمْ بِالرَّكَاةِ، (رواه الطبراني عن عبد الله بن مسعود).

«Молларингизни закот билан
қўрғонланг!» (Табароний ривояти).

Ҳажни олсак, у одамлар учун накд ва
насия-уҳровий манфаатлардан
иборат:

(وَأَذِنْ فِي النَّاسِ بِالْحَجَّ يُؤْتُوكُ رَجَالًا وَعَلَى كُلِّ ضَامِرٍ يَأْتِينَ مِنْ كُلِّ فَجَّ عَمِيقٍ لِيَشْهُدُوا مَنَافِعَ
أَنْفُهُمْ)

«Одамларга ҳажнинг фарз бўлганини
хабар қилинг, улар сиз томонга яёв
ҳолларида ва йироқ йўллардан
келадиган ориқ-ҳолдан тойган туялар
устида, ўзлари учун бўлган (диний ва
дунёвий) манфаатларга шоҳид
бўлиш учун... келсинлар.»
(Ҳаж: ۲۷, ۲۸).

Хадисда айтилганидек:

مَنْ حَجَّ لِلَّهِ فَلَمْ يَرْفُثْ وَلَمْ يَقْسُطْ رَجَعَ كَيْوَمْ وَلَدَنَّهُ أُمُّهُ (رواه البخاري عن أبي هريرة).

«Ким Аллоҳ учун ҳаж қилиб, беҳуда сўз ва фисқ-фужур ишлардан тийилган бўлса, онадан туғилган кунидагидек (**гуноҳлардан тоза бўлиб**) қайтади.» (Имом Бухорий ривояти).

وَالْحَجُّ الْمُبْرُورُ لَيْسَ لَهُ جَزَاءٌ إِلَّا الْجَنَّةُ (رواه البخاري ومسلم عن أبي هريرة).

«Мабрур (**мақбул**) ҳажнинг жаннатдан бошқа мукофоти йўқдир.» (Муттафақун алайх).

Булар намоз, закот ва ҳажнинг бандага бўлган таъсирот ва манфаатлари эди.

Рўзанинг таъсиротлари қандай?!

Аслида, буларнинг ҳаммаси Аллоҳ таоло бизларга фарз қилган ибодатлар. Инсон бу ибодатлар остидаги ҳикматларни тўла англаб етишга қодир эмас. Зеро, бу Аллоҳнинг ҳакқи ва Унинг Ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди. Биз юқорида фақат уларнинг оят ва ҳадисларда келган баъзи бирларига ишора қилиб ўтдик, холос.

Рўзага келсак, бу ҳақда кўп гапирилган, унинг ҳикматларидан кўп томонларини ёритишга ҳаракатлар бўлган. Баъзилар унинг шифобахшлиги, саломатчиликка

фойдалари каби моддий тарафлариға аҳамият қаратишган, айримлар эса меҳр-мурувват, мискинларга раҳм-шафқат кўрсатиш каби инсонпарварлик тарафларини қаламга олган. Бу ишлар гарчи рўзанинг ичидаги ҳикматлардан саналса-да, рўзанинг ўзигагина хос бўлмасдан, бошқа тарафлардан ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Айримлар рўзанинг ахлоқий-тарбиявий томонлариға ургу бериб, таомни кам истеъмол қилиш инсондаги ҳайвоний нафс хоҳишлирини заифлаштириб, руҳий-маънавий қувватларни оширишини айтадилар ва «Шайтон одамзотнинг қон томирларида

юради, сизлар унинг йўлларини торайтиинглар» ҳадисини келтиришади. Бу ҳам юқоридаги каби, моддиётлар ва ҳошиялар атрофида айланишдан бошқа нарса эмас.

Куръони Карим рўзанинг хусусият ва ҳикматларидан энг муҳими ҳақида очиқ-ойдин сўз юритиб, барча динлардан бўлган ғоя ва ҳикмат аслида шу эканини, жумладан, шариати исломиянинг ҳам энг асосий хусусияти шу эканини баён қилиб қўйган. **Бу – ТАҚВОга Эришишдир:**

(كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ).

«Тақволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди.» (Бақара: ۱۸۳).

Тақвонинг ҳақиқати – сакланиш ва тўсишишdir. Тақво – инсоннинг нафс интилишларидан қутулишидир. Бу эса барча самовий динлар ва ўтмиш умматларнинг даъватларининг асосидир.

Куръони Карим илгаригию кейингиларнинг, барча-барча инсонларнинг ибодатларидан асосий ғоя тақво эканини баён қилади:

﴿بِاَيْهَا النَّاسُ اعْبُدُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ وَالَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ شَتَّوْنَ﴾

«Эй инсонлар, сизларни ва сизлардан илгари ўтганларни яратган Парвардигорингизга ибодат қилингиз, шояд тақво эгалари бўлсангиз» (Бақара: ۲۱).

Маълумки, Аллоҳ таоло инсу жинни ўзига ибодат қилишлари учунгина яратган:

(وَمَا حَلْقُتُ الْجِنَّ وَالإِنْسَنَ إِلَّا لِيَعْبُدُونَ)

«Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим.» (Ваз-зариёт: ۵۶).

Демак, бу икки оятнинг мазмунига кўра, инсу жиннинг яратилишидан мақсад – тақво экани маълум бўлди.

Кейин Нұх алайхис-салом қавмидан тортиб кейинги барча умматлар хусусида алоҳида оятлар келди:

(كَبَّثُ قَوْمٌ نُوحُ الْمُرْسَلِينَ إِذْ قَالَ لَهُمْ أَخْوَهُمْ نُوحٌ أَلَا تَنْتَهُونَ إِنَّي لَكُمْ رَسُولٌ أَمِينٌ فَانْتَهُوا اللَّهُ أَطْبَعُونَ).

«Нұх қавми пайғамбарларни ёлғончи қилди (яғни Нұхни ҳам, бошқа пайғамбарларни ҳам инкор қилдилар). Үшанда уларга биродарлари Нұх айтган эди: «(Аллоҳдан) тақво қилмайсизларми?! Албатта мен сизлар учун ишончли пайғамбардирман. Бас, Аллоҳдан тақво қилинглар ва менга итоат этинглар!» (Шуаро: ۱۰۵-۱۰۸).

(كَبَّثُ عَادٌ الْمُرْسَلِينَ إِذْ قَالَ لَهُمْ أَخْوَهُمْ هُودٌ أَلَا تَنْتَهُونَ إِنَّي لَكُمْ رَسُولٌ أَمِينٌ فَانْتَهُوا اللَّهُ أَطْبَعُونَ).

«Од (қабиласи) пайғамбарларни ёлғончи қилди. Үшанда уларга биродарлари Ҳуд айтган эди: (Аллоҳдан) тақво қилмайсизларми?! Албатта мен сизлар учун ишончли пайғамбардирман. Бас, Аллоҳдан тақво қилинглар ва менга итоат этинглар!» (Шуаро: ۱۲۳-۱۲۶).

(كَبَّثُتْ تَمُودُ الْمُرْسِلِينَ. إِذْ قَالَ لَهُمْ أَخْوَهُمْ صَالِحٌ أَلَا تَتَّقُونَ. إِنِّي لَكُمْ رَسُولٌ أَمِينٌ. فَانْقُوا اللَّهُ وَأَطِيعُونِ).

«Самуд (қабиласи) пайғамбарларни ёлғончи қилди. Үшанда уларга биродарлари Солих айтган эди: (Аллоҳдан) тақво қилмайсизларми?! Албатта мен сизлар учун ишончли пайғамбардирман. Бас, Аллоҳдан

тақво қилинглар ва менга итоат этинглар!» (Шуаро: ۱۴۱-۱۴۴).

(كَبَّثُ قَوْمٌ لُّوْطٌ الْمُرْسَلِينَ إِذْ قَالَ لَهُمْ أَخْوَهُمْ لُوْطٌ أَلَا تَنْتَقُونَ إِنِّي لَكُمْ رَسُولٌ أَمِينٌ فَانْتَقُوا اللَّهُ أَطِيعُونَ).

«Лут қавми пайғамбарларни ёлғончи қилди. Үшанда Уларга биродарлари Лут айтган эди: «(Аллоҳдан) тақво қилмайсизларми? Албатта мен сизлар учун ишончли пайғамбардирман. Бас, Аллоҳдан тақво қилинглар ва менга итоат этинглар!» (Шуаро: ۱۶۰-۱۶۲).

(كَبَّأَصْحَابُ لَائِكَةِ الْمُرْسَلِينَ إِذْ قَالَ لَهُمْ شُعَيْبٌ أَلَا تَنْتَقُونَ إِنِّي لَكُمْ رَسُولٌ أَمِينٌ فَانْتَقُوا اللَّهُ أَطِيعُونَ).

«Дарахтзор эгалари (яъни Шуъайбнинг қавми) пайғамбарларни ёлғончи қилдилар. Үшанда уларга

Шуъайб айтган эди: (Аллоҳдан) тақво қилмайсизларми?! Албатта мен сизлар учун ишончли пайғамбардирман. Бас Аллоҳдан тақво қилинглар ва менга итоат этинглар!» (Шуаро: ۱۷۶-۱۷۹).

Хар бир пайғамбар ўз қавмини тақвога чақирди.

Куръони Каримнинг ҳаммаси тақвога чорлов ва тақводорлар учун ҳидоят бўлиб келди:

(أَلْمَذَلُكُ الْكِتَابُ لَا رَيْبٌ فِيهِ هُدَىٰ لِلنَّٰفِقِينَ)

«Алиф, лом, мим. (Ҳақ эканлигига) ҳеч қандай шак-шубҳа бўлмаган ушбу Китоб тақволи кишилар учун ҳидоят-йўлбошчиdir.»

Уларнинг ҳидоятлари нави ва ибодатлари тариқасини баён қилди:

(الَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِالْغَيْبِ وَيُقْيِمُونَ الصَّلَاةَ وَمِمَّا رَزَقْنَاهُمْ يُنْفِقُونَ。 وَالَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِمَا أُنْزِلَ إِلَيْكَ وَمَا
أُنْزِلَ مِنْ قَبْلِكَ وَبِالْآخِرَةِ هُمْ يُوقِنُونَ。 أُولَئِكَ عَلَىٰ هُدَىٰ مِنْ رَبِّهِمْ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ) .

«Улар ғайбга ишонадилар, намозни тўқис адо этадилар ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эҳсон қиладилар. Улар сизга нозил қилинган ва сиздан илгари туширилган нарсаларга (**китобларга**) иймон келтирадилар ва Охират Кунига аниқ ишонадилар. Парвардигорлари тарафидан ҳидоят топганлар ана ўшалардир ва нажот топувчилар ҳам уларнинг ўзидир.»
(Бақара: ۱-۵).

Куръони Карим ўзининг тақвадорлар учун ҳидоят, уларнинг эътиқод ва ибодатларининг баёни эканини эълон қилди, бу эътиқод ва ибодатлар ҳамда уларнинг охир-оқибат натижалари тақвога чамбарчас боғлиқ эканини баён қилди:

(وَمَنْ يَتَّقِيَ اللَّهَ يَجْعَلُ لَهُ مِنْ أَمْرِهِ يُسْرًا)

«Ким Аллоҳдан қўрқса (Аллоҳ) унинг ишини осон қилур.» (Талок: ٤).

(وَاتَّقُوا اللَّهَ وَيُعِلَّمُكُمُ اللَّهُ)

«Аллоҳдан қўрқингиз! Аллоҳ сизларга (ҳақ-ҳидоят йўлини) билдиради.» (Бақара: ٢٨٢).

Танг ҳолга тушиб қолган инсонни тақво бу ҳолдан чиқариб олади:

(وَمَنْ يَئْتِيَ اللَّهَ بِجُنُبٍ لَّهُ مَحْرَجاً)

«Ким Аллоҳдан қўрқса У зот унинг учун (барча ғам-кулфатлардан) чиқар йўлни (пайдо) қилур.» (Талок: ۲).

(إِنَّ الَّذِينَ انْتَقَلُوا إِذَا مَسَّهُمْ طَائِفٌ مِّنَ الشَّيْطَانِ تَذَكَّرُوا فَإِذَا هُمْ مُّبْصِرُونَ).

«Тақво қилувчи зотларни қачон шайтон томонидан бирон васваса ушласа, (Аллоҳни) эслайдилар, бас (тўғри йўлни) кўра бошлидилар.» (Аъроф: ۲۰۱).

Аллоҳнинг нусрати тақводорлар билан бирга:

(إِنَّ اللَّهَ مَعَ الَّذِينَ انْتَقَلُوا وَالَّذِينَ هُمْ مُحْسِنُونَ).

«Зотан, Аллоҳ тақводор бўлган ва чиройли амаллар қилувчи зотлар билан биргадир.» (Наҳл: ۱۲۸).

Бинобарин, тақво дунёда уларга ҳамроҳ бўлади, уларни ўраб, муҳофаза этади, улар учун ёмонликлардан парда ва тўсиқ бўлади. Рўза эса тақвони янгилаб, кучлантириб туради ва келаси йилгача етарли муҳофаза ва қўрғонни вужудга келтиради. Шу ҳол ҳар йили Рамазонда такрорланади.

Дунёдан ўтганларида ҳам тақво улар билан бирга бўлади, уларни энг олий

мақсад да орзулари сари етаклайди,
уларни жаннатга етказади:

(وَسِيقَ الْأَذِينَ انْقَوْا رَبَّهُمْ إِلَى الْجَنَّةِ رُمَراً حَتَّىٰ إِذَا جَاءُوهَا وَفُرِحْتُ أَبْوَابُهَا وَقَالَ لَهُمْ خَرَّنُهَا سَلَامٌ
عَلَيْكُمْ طَبِيعُمْ فَادْخُلُوهَا حَالِدِينَ)

«Парвардигорларидан кўрққан зотлар эса тўп-тўп ҳолда жаннатга жўнатилур. То қачон улар дарвозалари очилган ҳолдаги (жаннатга) келиб етганларида ва унинг қўриқчилари; «Сизларга тинчлик-омонлик бўлсин! Хуш келдингиз! Бас унга мангу қолувчи бўлган ҳолларингизда кирингиз», деганларида (улар беҳад шодланурлар).» (Зумар: ۷۳).

Жаннатга киргандаридан сўнг тақво улар ҳузурига етиб келади ва уларни осойишта бир мақомга туширади:

{إِنَّ الْمُتَقِّيِّينَ فِي مَقَامٍ أَمِينٍ . فِي جَنَّاتٍ وَغُيُونٍ}

«Албатта тақводор зотлар (**у кунда**) осойишта жойда, боғлар ва чашмалар устида бўлурлар.»
(Духон:**۵۱، ۵۲**).

Сўнг уларни ундан бошқасини орзу ҳам қилишмайдиган бир шарафли ўринга етказади:

{إِنَّ الْمُتَقِّيِّينَ فِي جَنَّاتٍ وَنَهَرٍ . فِي مَقْعَدٍ صِدْقٍ عِنْدَ مَلِيكٍ مُفْتَرٍ}

«Албатта тақводор зотлар жаннатларда ва дарёлар (**усти**)да Кодир Подшоҳ ҳузуридаги рози

бўлинган ўринда бўлурлар.»
(Қамар: ۵۴, ۵۵).

Зеро, шоир айтганидек: «Ҳақиқий баҳт мол-дунё жамғаришда эмас, балки тақводор ҳақиқий саодат эгасидир. Аллоҳдан тақво қилиш охират учун энг яхши озуқадир, тақводор учун Аллоҳнинг ҳузурида зиёда неъматлар бордир.»

Буларнинг ҳаммасини биз учун рўзада қилиб қўйганлиги ва рўзани ўзимиз хавф қилган ҳар бир нарсадан қалқон ва барча орзуларимизга етишимизга сабаб қилиб қўйганлиги Аллоҳнинг бу умматга бўлган улкан неъматидир.

Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай марҳамат қилғанлар:

الصَّيَامُ حُلَّةٌ فَلَا يَرْفُثُ وَلَا يَجْهَلُ وَإِنْ امْرُواْ قَاتَلَهُ أَوْ شَانَمَهُ فَلْيُقُلُّ إِلَيْي صَائِمٌ مَرَّتَيْنِ وَالَّذِي تَفَسَّى
بِيَدِهِ لَخُلُوفٌ فِيمَا الصَّائِمُ أَطْبَيْبُ عِنْدَ اللَّهِ تَعَالَى مِنْ رِيحِ الْمِسْكِ يَتْرُكُ طَعَامَهُ وَشَرَابَهُ وَشَهْوَتَهُ مِنْ
أَحْلِي الصَّيَامِ لِيْ وَأَنَا أَحْرَى بِهِ (رواه البخاري).

«Рўза қалқондир. (Қай бирингиз рўза тутган бўлса,) фахш сўзларни сўзламасин ва жоҳиллик қилмасин. Агар бирор у билан уришса ё ҳақорат қилса: «Мен рўзадорман, мен рўзадорман», десин. Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, рўзадорнинг оғзидан келувчи ҳид Аллоҳ наздида мушкдан кўра яхшироқдир. (Аллоҳ айтади: Рўзадор) емоқ-ичмоғини ва

шахватини Мен учун тарк қилади.
Рўза Мен учун, мукофотини ҳам
Ўзим бераман.»

Имом Насоий ривоятида: «Рўза
қалқондир, модомики уни тешиб
қўймаса.»

Имом Табароний ривоятида бунга
қўшимча: «Қандай қилиб
синдиради?» деб сўралганда: «Ёлғон
ёки ғийбат билан» дедилар.

Бу эса жамики гуноҳлардан тийилиш
лозимлигига ишора бўлса ажабмас.
Зотан, [ҳадисда айтилганиидек](#):

مَنْ لَمْ يَدْعُ قَوْلَ الْأُزُورِ وَالْعَمَلَ بِهِ وَالْجَهَلُ فَلَيْسَ اللَّهُ حَاجَةً أَنْ يَدْعُ طَعَامَهُ وَشَرَابَهُ (رواه البخاري)
عن أبي هريرة

«Кимки ёлғонни, унга амал қилишни
ва жоҳиллик (**бақир-чакир**)ни тарқ
қилмаса, емоқ-ичмоғини тарқ
қилишининг Аллоҳга ҳеч қандай
хожати йўқ.» (**Имом Бухорий**
ривояти).

Рўзадордан нафакат ёлғон ва
жаҳолатни тарқ қилиш талаб
қилинди – зотан бу ундан рўзадан
бошқа пайтлар ҳам талаб қилинган
иш – балки ундан қилишга тўла
ҳақли бўлган бир иш, яъни ўзига
тажовуз қилган кимсага жавоб
қайтармаслик ҳам талаб қилинди.
Агар биронтаси у билан уришса ё
ҳақорат қилса, аслида унга жавоб
беришга ҳақли ва бу унинг учун

мубоҳ иш бўлса-да, бундан воз кечади, зеро рўзанинг ҳаққи муқаддам қўйилади. Емоқ-ичмоқ ва бошқа мубоҳ ва ҳалол нарсаларни тарк этгани каби ўзини сўккан одамга жавоб қайтариш ҳаққини ҳам тарк этади ва «Мен рўзадорман» деб, яъни бундай жоҳилона ишлардан тийилганман, деб жавоб беради, аҳмоқ ва тажовузкор кимсалар билан тенглашишдан ўзини сақлайди. Чунки, рўзадор киши намунавий инсон ва барча аъзолари билан бирорга зиён етказмайдиган беозор мусулмондир. Чунки унинг қалбини тақво эгаллаган ва ундан ихлос, муҳаббат ва хушуъ балқиб туради,

адовату нафратдан, кину ҳасаддан мусаффо. Унинг гап-сўзларига ҳам тақво ғолиб келиб, ёлғон ва ғийбатдан, сўкиш ва ҳақоратлардан ва ҳатто ўзини сўккан одамга жавобдан ҳам тилини тияди, «Мен рўзадорман» деб, ёмонликка яхшилик билан жавоб беради.

Шунингдек, унинг кўзига ҳам тақво ғолиб бўлиб, ҳаромга қарашдан тўсади, қулоғи ва бошқа аъзоларида ҳам худди шундай ҳолат юз беради.

Куйироқда рўзадор одам қилиши ёки қилмаслиги лозим бўлган ишларнинг баёни келади.

Рўзани Аллоҳ таоло бошқа амаллардан алоҳида қилиб, ҳадиси қудсийда: «фақат рўза бундан мустасно, у Мен учундир ва унинг мукофотини ҳам Ўзим бераман » деб Ўзига хослаганинг ўзи унинг фазилатига кифоя қиласди.

Амаллар ичида рўзанинг алоҳида манзилати бор. Мусулмонлар рўзанинг энг афзал ибодат эканига иттифоқ қилганлар. Унинг самараларидан энг улуғи Аллоҳнинг тақвосини ҳосил қилиши экани юқорида айтиб ўтилди.

Аллоҳ таоло бошқа амаллар ичидан уни Ўзига хослаб, мукофотини ҳам

Ўзидан бошқаси беролмаслигини баён қилгани рўзанинг манзилати нақадар олий ва даражаси қанчалар юқори эканига далил бўлади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: قَالَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ كُلُّ عَمَلٍ إِنَّ أَدَمَ لَهُ الْحَسَنَةُ بِعَشْرِ أَمْتَالِهَا إِلَى سَبْعِ مَائَةٍ ضِعْفٌ إِلَّا الصِّنَامُ هُوَ لِي وَأَنَا أَجْزِي بِهِ (رواه
أحمد).

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: Аллоҳ таоло айтади: «Одамзотнинг ҳамма амали ўзи учун, (қилинган) ҳар бир яхшилик ўн баробардан етти юз баробаригача (мукофотланади), факат рўза бундан мустасно, у Мен учундир ва унинг мукофотини ҳам Ўзим бераман.» (Имом Аҳмад ривояти).

Ушбу ҳадис рўзанинг фазилатини яққол намоён ва унинг Аллоҳ наздидаги мартабаси қай даражада эканини баён қиласи. Ҳадис икки масалани – амалларнинг ажри бир неча баробар қилиб берилишини ва рўзанинг Аллоҳ ҳузуридаги қиймати қанча эканини ўз ичига олган.

Биринчи масалани олсак, ҳар бир яхши амал учун ۱۰۰ дан ۷۰۰ баробаргача мукофот берилади, дейилди. Бу Исро ва Меърож кечасида қарор топган умумий асос бўлиб, шу кеча Аллоҳ таоло бу умматга ۵۰ вақт намозни фарз қилган, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қайта-қайта

мурожаат қилишлари билан охир-оқибат ° вақтга тўхталинган ва Аллоҳ таоло Унинг ҳузурида айтилган сўз ўзгартирилмаслигини ва ҳар бир яхшиликка '· баробар зиёда қилиниб, шу ° вақт намозга °· вақт намоз ажри берилишини ваъда қилган эди. Шу билан Исломда ҳар бир яхши амал учун Аллоҳнинг ҳузурида кўпайтириб берилувчи ажрнинг энг кам микдори масаласи қарор топди. Ажр микдорининг кўпайиши эса амалга ва амал соҳибининг ҳолига қараб бўлади ва баъзиларга '··, баъзиларга '··, баъзиларга эса ундан-да кўп,

микдорини Аллоҳнинг ўзигина биладиган ажрлар берилиш мумкин.

Мисол учун, Аллоҳ йўлидаги жиҳоднинг манзилати улуғ бўлгани боис, унга мол сарфлаш ۷۰۰ баробар ва ундан ҳам ортиқ ажр берилувчи амаллар сирасига киради:

(مَثُلُ الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ كَمَثُلُ حَبَّةٍ أَنْبَتَتْ سَبْعَ سَبَاعِيلٍ فِي كُلِّ سُبُّلَةٍ مِائَةُ حَبَّةٍ وَاللَّهُ يُضَاعِفُ لِمَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلَيْهِ).

«Аллоҳ йўлида молларини инфок-эҳсон қиласидиган кишиларнинг мисоли худди ҳар бир бошоғида юздадан дони бўлган еттида бошоқни ундириб чиқарган бир дона донга ўхшайди. (Яъни, қилинган бир яхшилик етти юз баробар бўлиб қайтишига ишора қилинмоқда).»

Аллоҳ истаган кишиларига бир неча баробар қилиб беради. Аллоҳ (фазлу қарами) кенг, билгувчиدير.» (Бақара: ۲۶۱).

عن ابن عمر رضي الله عنهمما قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: "الأعمال عند الله عز وجل سبع: عملان موجبان، وعملان بأمثالهما، وعمل بعشر أمثاله، وعمل بسبعيناته، وعمل لا يعلم ثوابه إلا الله عز وجل؛ فأما الموجبان فمن لقي الله يعبده لا يشرك به شيئاً وحيثت له الجنة. ومن لقي الله قد أشرك به وحيثت له النار. ومن عمل سبيئة جزي بها. ومن أراد أن يعمل حسنة فلم يعلها جزي متها، ومن عمل حسنة جزي عشرة. ومن أنفق ماله في سبيل الله ضعفت له نفقة الدرهم بسبعيناته والدينار بسبعيناته، والصيام لله لا يعلم ثواب عامله إلا الله عز وجل" (أخرجه البهقي في شعب الإيمان).

Ибн Умар розияллоҳу анхұмодан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: «Амаллар Аллоҳ азза ва жалла ҳузурида етти турлидир: Икки амал борки, (икки нарсани) вожиб қиласи, икки амал борки, ўзининг баробарида (савоб ё гуноҳ берилади),

бир амал борки, ўн баробар (**савоб берилади**), бир амал борки, етти юз баробар (**савоб берилади**), бир амал борки, унинг савобини Аллоҳ азза ва жалладан бошқаси билмайди. Вожиб қилувчи икки амал шуки, ким Аллоҳга ибодат қилиб, Унга ширк келтирмай дунёдан ўтса, унга жаннат вожиб бўлади. Ким Аллоҳга ширк келтириб дунёдан ўтса, унга дўзах вожиб бўлади. Ким бир ёмон иш қилса, битта гуноҳ ёзилади, ким бир яхши амал қилишни ният қилиб, кейин уни қилмаган бўлса, унга битта савоб ёзилади. Ким бир яхши амал қилса, унга ўнта савоб берилади. Ким молини Аллоҳ йўлида

сарфласа, сарфлаган нафақаси бир дирҳами етти юз дирҳам, бир динори етти юз динор микдорида зиёда қилинади. Аллоҳ учун рўза тутган одамнинг савобини Аллоҳ азза ва жалладан бошқаси билмайди.»
(Имом Байҳақий ривояти).

Демак, ҳадис маъносига кўра,
амаллар тафовутига қараб ё
жаннатни, ё дўзахни вожиб қилади.
Аллоҳ таоло айтганидек:

﴿إِنَّ اللَّهَ لَا يَعْفُرُ أَنْ يُشْرِكَ بِهِ﴾

«Албатта Аллоҳ Ўзига **(бирон нарсанинг)** шерик қилинишини кечирмас.» **(Нисо: ٤٨).**

Хадиси шарифда келадики,
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва
саллам:

مَنْ شَهِدَ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ مُخْلِصًا مِنْ قَلْبِهِ دَخَلَ الْجَنَّةَ (رواه الطبراني عن معاذ بن جبل).

«Ким чин кўнгилдан “Ла илаха
иллаллоҳ” деган бўлса, жаннатга
киради», дедилар. (Имом Табароний
ривояти).

Икки хил амал борки уларнинг
мукофоти ўзининг мислича: битта
ёмонликнинг жазоси, агар тавба
қилмаган бўлса, битта гуноҳ. Битта
яхшилик қилишга азм қилишнинг
мукофоти, уни қилолмаган такдирда,
битта савоб. Агар қилса ўнта савоб.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ قَالَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ إِذَا هَمْ عَذْدِي بِحَسَنَةٍ وَلَمْ
يَعْمَلْهَا كَتَبْهَا لَهُ حَسَنَةً فَإِنْ عَمِلَهَا كَتَبْهَا عَشْرَ حَسَنَاتٍ إِلَى سَبْعِ مِائَةٍ ضَعْفٌ وَإِذَا هَمْ سَيِّئَةٍ وَلَمْ
يَعْمَلْهَا لَمْ أَكْتُبْهَا عَلَيْهِ فَإِنْ عَمِلَهَا كَتَبْهَا سَيِّئَةً وَاحِدَةً (رواه مسلم).

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: Аллоҳ таоло деди: «Агар бандам бир яхшиликни ният қилиб, кейин уни қилмаса, Мен унга битта савоб ёзаман. Агар қилса, ўнтадан етти юзтагача савоб ёзаман. Агар бир ёмонликни қасд қилса-ю, уни қилмаса, унга ҳеч нарса ёзмайман. Агар ўша ёмонликни қилса, унга битта гуноҳ ёзаман.» (Имом Муслим ривояти).

Энди Аллоҳ йўлида мол сарф қилишнинг мукофоти – ибодатдаги

ихлосга қараб, ушбу амал
эгаларининг рағбат ва ниятларига,
Аллоҳ ҳузуридаги ажрга
интилишларига қараб, Аллоҳга
бўлган иймонларидан келиб чиқиб,
ўзлари мухтоҷ бўлсалар-да,
ўзгаларни ўзларидан муқаддам
қўйишларига қараб юзларча марта
ортиб бораверади. Чунки, мухтоҷлик
ва камбағаллик вақтида қилинган
инфоқ бой-бадавлат ҳолда қилинган
инфоқдан афзалдир. Зеро,
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва
саллам инфоқнинг афзали ҳақида
сўзлар эканлар, камбағал одамнинг
қийналиб қилган инфоқи соғлик
пайти ва ёшлиқ даврида қилган

инфоқидан афзалроқ экани ва бой бўлишни орзу қилиб, камбағалликдан қўрқиб турган кишининг инфоқини алоҳида таъкидлаганлар. Чунки, **бундай** инсон нафсининг **бахиллигига** голиб келган бўлади:

(وَمَنْ يُوقَ شُحَّ نَفْسِهِ فَأُولَئِنَّكُ هُمُ الْمُفْلِحُونَ)

«Ким ўз нафсининг баҳиллигидан сақлана олса, бас, ана ўшалар нажот топгувчиidlар.» (Ҳашр:^۹).

Чунки, инфоқ молнинг оз-кўплигига қараб эмас, кўнгилдаги ниятларга ва ҳис-туйғуларга қараб ўлчанади.

عن أبي هريرة ، قال : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم : « سبق درهم مائة ألف » ، فقال رجل : وكيف ذاك يا رسول الله ، قال : « رجل له مال كثير أخذ من عرضه مائة ألف ، فقصد بها ، ورجل ليس له إلا درهمان فأخذ أحدهما فقصد به » (رواه ابن حبان).

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Бир дирҳам юз минг дирҳамдан ўзиб кетди», дедилар. Шунда бир киши: «Қандай қилиб, ё Расулаллоҳ?» деб сўради. «Бир кишининг кўп моли бор, унинг бир чеккасидан юз минг олиб, садақа қилди. Яна бир кишининг бор-йўғи икки дирҳами бор, у ўшанинг бирини садақа қилди», дедилар. (Ибн Ҳиббон ривояти).

Бу ерда бир дирҳамнинг юз минг дирҳамдан ортиқлиги унинг жинси яхшироқ бўлгани учун ёки қиймати ортиқ бўлгани учун эмас. Гарчи бу

бир дирҳам сарфланаётган мол нисбатига олиб қаралганда юз мингдан бирга тўғри келса-да, бошқа тарафдан қаралганда иккidan бирни ташкил этади, яъни у эгасининг бор молининг teng ярмидир. У шу бир дирҳамини инфоқ қилиш билан гўё бор мол-давлатининг teng ярмини инфоқ қилган бўлди. Аммо юз минг сарф қилган инсоннинг қилган бу инфоқи унинг молининг арзимас бир бўлаги бўлиб, бу унинг молига ҳатто таъсир ҳам кўрсатмаган ва ҳатто молининг камайганини умуман ҳис қилмаган бўлиши ҳам мумкин.

Килинган бир яхши амалнинг етти юз баробар ва ҳатто юз минг

баробаргача зиёда қилиниши
ҳақидаги бу гаплар ҳар қандай яхши
амал учун умумийдир.

Аммо рўзанинг ажри буларнинг
ҳаммасидан юқори ва у хоссатан
Аллоҳ таолонинг мана бу ояти
остига дохил:

(إِنَّمَا يُؤْفَى الصَّابِرُونَ أَجْرٌ هُمْ بِعِنْدِ حِسَابٍ)

«Ҳеч шак-шубҳа йўқки, сабр-тоқат
қилувчиларга ажр-мукофотлари
бехисоб тўла-тўкис қилиб берилур.»
(Зумар: ۱۰).

وجاء عنه صلى الله عليه وسلم: "والصوم نصف الصبر". (رواه الترمذی).

Хадиси шарифда айтилишича: «Рўза сабрнинг ярмидир.» (Имом Термизий ривояти).

Энди рўзанинг манзилати бошқа ибодатларга нисбатан олий бўлишлиги ва уни Аллоҳ таоло Ўзига хослаб: «факат рўза бундан мустасно, у Мен учундир ва унинг мукофотини ҳам Ўзим бераман» дейишлигининг сабаблари ҳақида.

Аслида, мўмин кишининг барча амаллари Аллоҳ учун ва уларга бериладиган ажру савоблар ҳам ёлғиз Ул Зотнинг ўзи тарафидан бўлгани ҳолда, Аллоҳ таоло рўзани алоҳида хослаб, Ўзига изофа қилди.

Бу хусусда уламолар томонидан турли фикрлар билдирилган.

Баъзилар: Бу худди Аллоҳ таоло Каъбани Ўзига хослаб “Байтуллоҳ” деганига ўхшаган “изофай ташриф”дир, дейдилар.

Баъзилар айтади: Сабаби - рўзадорнинг устида Аллоҳдан бошқа кузатувчи йўқ, ҳадисда айтилганидек: «емоқ-ичмоғини Мен учун тарк қиласи».

Баъзилар айтади: Қиёмат куни одамларга бир-бирларидан ҳақлари олиб берилиганда бошқа амалларидан қўлга киритган ажру савоблари кетиб қолиши мумкин, аммо

рўзанинг ажри ўз эгасида қолади ва Аллоҳ таоло: «фақат рўза бундан мустасно, у Мен учундир ва унинг мукофотини ҳам Ўзим бераман», дейди.

Баъзилар айтади: Рўзани Аллоҳ таоло Ўзига хослашининг сабаби шуки, рўзадор бу амали билан Аллоҳ таолонинг сифатларидан бир сифат – яъни, емаслик ва ичмаслик сифати билан безанади.

Абу Умома розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Ё Расулаллоҳ, мени бир ишга буюрингки, Аллоҳ у билан мени фойдалантиrsин» деб

сўраганида: "عَلَيْكُ بِالصَّوْمِ فَإِنَّهُ لَا مُثْنَى لَهُ" «Рўзага маҳкам бўл, зеро унга тенглашадиган амал йўқ», деганлар. (Насоий ривояти).

“Саҳиҳайн”да Саҳл ибн Саъддан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

إِنَّ فِي الْجَنَّةِ لِبَابًا يُدْعَى إِلَيْهِ الرَّيَانُ يُدْعَى لَهُ الصَّائِمُونَ فَمَنْ كَانَ مِنْ الصَّائِمِينَ دَخَلَهُ وَمَنْ دَخَلَهُ لَمْ يَظْلِمْ أَبَدًا (متفق عليه).

«Жаннатнинг бир дарвозаси борки, унинг номи “Райён”дир. У дарвозадан рўзадорлар чақирилади. Ким рўзадорлардан бўлса, ундан киради. Ким ундан кирса, асло чанқамайди», дедилар.

Рўзанинг Аллоҳ таоло хузурида тутган бу манзилати уни ҳар қандай нуқсонлардан асраб, муҳофаза қилган кишиларга насиб бўлади.

Юқорида ўтган ҳадиси шарифда айтилганидек: «Рўза қалқондир, модомики уни (**ёлғон ёки ғийбат билан**) тешиб қўймаса.»

Рўза шахслар эътибори билан, ундаги одобларга қаттиқ риоя қилиш ва ихлос эътибори билан ҳам тафовутли бўлади. Рўза факат емоқ-ичмоқдан тийилишгина эмас, балки ҳар қандай қайтарилган ишлардан тийилиш ҳамдир. **Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:** «Айрим рўза тутган одам

бўладики, рўза тутиб очлик ва ташналиқдан бошқа нарсага эга бўлмайди» деганлар. (**Ибн Можа ривояти**). Яъни, тили, кўзи, қулоғи, қалби ва умуман барча аъзоси рўза тутмас экан, унинг рўзаси очлик ва ташналиқдан бошқа самара келтирмайди. Чунки, рўза аслида бутун баданинг кун бўйи адо этадиган ибодатидир. Рўзадор тўла бир ой тонгдан шомгача нафси билан курашади. Рўзага қўшимча ҳар куни тунги намозни, рамазон сўнггида эса закотни адо этади. Шу билан бу муборак ой исломнинг учта рукни билан хосланди.

عن ابن عباس قال: قال النبي صلى الله عليه وسلم : «إن الجنة لائز من السنة إلى السنة لشهر رمضان ، وإن الحور العين لائز من السنة إلى السنة لشهر رمضان ، فإذا دخل شهر رمضان

، قالت الجنة : اللهم اجعل لنا في هذا الشهر من عبادك سكانا ، ويقلن الحور العين ، اللهم اجعل لنا في هذا الشهر من عبادك أزواجا » قال النبي صلى الله عليه وسلم : « فمن صان نفسه في شهر رمضان ، فلم يشرب فيه مس克拉 ، ولم يرم فيه مؤمنا بالبهتان ، ولم يعمل فيه خطيئة ، زوجه الله كل ليلة مائة حوراء ، وبنى له قصرا في الجنة من ذهب وفضة وياقوت وزبرجد ، لو أن الدنيا جمعت فجعلت في ذلك القصر لم يكن فيه إلا كمربي عنز في الدنيا ، ومن شرب فيه مس克拉 ورمى فيه مؤمنا بيهتان ، وعمل فيه خطيئة أحبط الله عمله سنة ، فانقوا شهر رمضان ، فإنه شهر الله أن تقرطوا فيه فقد جعل لكم أحد عشر شهرا تنعمون فيها وتتلذذون ، وجعل لنفسه شهر رمضان فاحذروا شهر رمضان » (المعجم الأوسط للطبراني).

Ибн Аббос розияллоху анҳудан
ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ
соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай
деганлар: «Жаннат бир йил
мобайнида Рамазон ойи учун
зийнатланади. Ҳурлар бир йил
мобайнида Рамазон ойи учун
зийнатланади. Рамазон ойи киргач,
жаннат: «Эй Роббим, бу ойда
бандаларинг ичидан бизга
кирувчиларни қилгин» деб дуо
қиласи. Ҳурлар: «Эй Роббимиз, бу

ойда бандаларинг ичидан бизларга жуфтлар қилгин» деб дуо қиласидилар. Ким Рамазон ойида нафсини (ҳаром-ҳаришдан) тийса, ҳаром ичкилик ичмаса, бирон мўминга бўхтон қилмаса, бирон гуноҳга қўл урмаса, Аллоҳ уни ҳар кеча юзта ҳурга уйлантиради, унга жаннатда олтин, кумуш, ёкут ва забаржаддан қаср бино қиласи. Агар дунёning ҳаммасини йифиб шу қасрга жойланса, унинг ичида битта эчки боғланадиган жойни эгаллайди. Ким бу ойда маст қилувчи ичимлик исса ва бирон мўминга бўхтон қилса ва гуноҳ ишга қўл урса, Аллоҳ унинг бир йиллик амалини бекор қиласи.

Рамазон ойида сусткашлик
қилишдан эҳтиёт бўлинглар, чунки у
Аллоҳнинг ойидир. Аллоҳ сизлар
учун ўн бир ойни еб-ичиб,
лаззатланадиган қилди, факат шу
Рамазон ойини ўзи учун қилди.
Рамазон ойида ҳушёр бўлинглар!»
(Табароний “Авсат”да келтирган).

Аллоҳ таоло барчамизни ушбу ойни
риоя қилишга, унинг ҳаққини тўла
ўташга муваффақ айласин ва
Ўзининг жаннатларига дохил
қилсин.

Рўзанинг одоб ва аҳкомлари

Хар бир улуғ амалнинг ҳаққини тўла
адо этиш ва ажру савобига эришиш

учун риоя қилиниши керак бўлган одоб ва аҳкомлари бўлгани каби рўзанинг ҳам ўзига хос одоб ва аҳкомлари бор. Юкорида унинг айрим одоблари, жумладан, рўзада барча аъзолар иштирок этиши лозимлиги, мусулмон киши Аллоҳ қайтарган нарсаларнинг ҳаммасидан ва ҳатто баъзи мубоҳ ишлардан ҳам тийилиши кераклиги ҳақида айтиб ўтилди.

Рўзага доир ҳукмларни китоблардан, фикҳ дарсликларидан топиш мумкин, савол-жавоб ва фатволар орқали ҳам билиб олса бўлади. Бирок, бу ерда баъзи умумий ҳукмлар борки, рўзадорларга эслатиб

қўйиш фойдадан холи бўлмайди.
Улар емоқ-ичмоқларига, гап-сўз ва
иш-ҳаракатларига доир ҳукмлардир.

Аллоҳнинг тоат-ибодатига ёрдам
бўлиши учун Рамазонда ҳалол ризқ
топишга ҳаракат қилиш ушбу
ҳукмлар жумласидан. Бу ўз
навбатида инсонни ҳалол касбга
одатланишига ва йил бўйи шубҳали
нарсалардан тийилишига ёрдам
беради, олди-сотди ишларида ўлчов-
тарозида уриб қолмайдиган,
алдамайдиган ва хиёнат қилмайдиган
қилиб тарбиялайди. Аслида ҳалол
таом доимо вожиб бўлса-да,
Рамазонда унинг вожиблиги
тъкидлироқдир. Чунки, рўзадор

одам учун ҳалолдан тийилиб,
ҳаромдан ризқланиши асло жоиз
эмас.

Ундан сўнг сахарлик ва ифторлик
борасидаги одоб ва аҳкомлар келади.

Рамазондаги сахарлик ушбу умматга
хос бўлган хусусиятлардан. Ўтган
умматларнинг рўзаларида сахарлик
таомига ижозат бўлмаган. [Шунинг](#)
[учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи
ва саллам:](#)

"فَصُلِّ مَا بَيْنَ صِيَامِنَا وَصِيَامِ أَهْلِ الْكِتَابِ أَكْلَهُ السَّحَرَ" (رواه مسلم).

«Бизнинг рўзамиз билан аҳли
китоблар рўзаси ўртасидаги фарқ
сахарлик тановул қилишдир»,
деганлар. (Имом Муслим ривояти).

Биздан аввалги умматлар рўзасида, шунингдек исломнинг ilk даврида рўзадорга ухлаб қолган пайтидан ё хуфтон намозини ўқиганидан сўнг ейиш-ичиш ва жинсий алоқа ҳаром қилинган эди. Уйқу ёки намоздан қай бири ҳосил бўлиши билан мазкур ишларнинг ҳаромлиги ҳосил бўлар, хуфтон намозидан то эртаси кун ботгунга қадар рўза ҳолатида бўлинар, ифтор муддати бор-йўғи шом билан хуфтон оралиғида эди. Агар кун ботгач, хуфтондан илгари ухлаб қолган бўлса емок-ичмоқдан маҳрум қоларди.

Бир куни бир киши даласидан уйига шомдан сўнг етиб келди. Аёли унга

таом ҳозирлагунича кўзига уйқу ғолиб келиб, ухлаб қолди ва шу сабаб кечани оч ўтказишга мажбур бўлди. Эртасига шу ҳолида рўзасини давом эттириб, кун яримлагандা ҳолсизликдан ҳушидан кетиб қолди.

Бошқа бир киши уйига кечроқ келганида аёли у келгунича ухлаб қолганини айтди, бироқ у аёлининг гапини бир баҳона деб гумон қилиб, у билан қўшилди. Сўнг ўзига хиёнат қилганини англаб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хузурларига бориб, бўлган воқеани айтиб берди. Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга оғир

ботди. Шундан сўнг Аллоҳ таоло қуидаги оятларни нозил қилди:

(عَلِمَ اللَّهُ أَنَّكُمْ كُلُّمَا تَحْتَأْنُونَ أَنفُسَكُمْ فَقَاتِبُ عَلَيْكُمْ وَغَفَارَةٌ عَنْكُمْ فَالآنَ بَاشِرُوْهُنَّ وَابْتَغُوا مَا كَتَبَ اللَّهُ لَكُمْ وَكُلُّوا وَاשْرِبُوا حَتَّىٰ يَتَبَيَّنَ لَكُمُ الْخَيْطُ الْأَبْيَضُ مِنَ الْخَيْطِ الْأَسْوَدِ مِنَ الْفَجْرِ ثُمَّ أَتَمُوا الصِّيَامَ إِلَى الْأَئِلَّ) (الليل)

«Аллоҳ сизлар ўзларингга хиёнат қилаётганларингни билиб, тавбаларингизни қабул қилди ва сизларни афв этди. Энди улар билан (рўза кечаларида ҳам bemalol) қовушингиз ва Аллоҳ сизлар учун ёзган нарса (фарзанд)ни талаб қилингиз! Ва то тонгда субҳ содик пайдо бўлгунча еб-ичаверинглар. Сўнгра кечгача рўзани бенуқсон қилиб тутинглар!» (Бақара: ۱۸۷).

Шу оят билан илгариги таъқиқ бекор бўлди, еб-ичиш ва аёллар ҳалол қилинди. Аслида тун бўйи еб-ичиш мумкин бўлса-да, бироқ хоссатан сахарлик таоми тановул қилиш рўзанинг ажралмас қисми қилиб белгиланди. Бу Аллоҳ таоло тарафидан бизларга марҳамат қилиб берилган рухсат бўлгани боис сахарликни имкон қадар охирги вақтигача кечиктириш афзал ҳисобланади. **Сахарлик хусусида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тарафларидан бир қанча ҳадислар ривоят қилинган:**

تَسْحَرُوا فَإِنَّ فِي السَّحُورِ بَرَكَةً (متفق عليه).

«Сахарлик қилингиз, зеро
сахарликда барака бордир.»
(Муттафақун алайх).

إِنَّهَا بِرَبَكَةٍ أَعْطَانُكُمُ اللَّهُ إِيَّاهَا فَلَا تَدْعُوهُ (رواه النسائي).

«Албатта бу (яъни, сахарлик)
Аллоҳнинг сизларга ато этган
баракотидир, уни тарк қилмангиз!»
(Насойи ривояти).

اسْتَعِينُوا بِطَعَامِ السَّحَرِ عَلَى صِيَامِ النَّهَارِ وَبِالْفَيْوَلَةِ عَلَى قِيَامِ اللَّيْلِ (رواه ابن ماجه والحاكم وابن
خزيمة).

«Сахарлик қилиш билан кундузнинг
рӯзасига, қайлула (кундузги уйқу)
билан тунги намозга
ёрдамланингиз.» (Иbn Можа, Ҳоким,
Иbn Хузайма).

Сахарликни эрта тамомлашдан қайтариб, шундай деганлар:

لَا تَرَأَلُ أَمَّتِي بِخَيْرٍ مَا عَجَّلُوا إِلَيْهِنَّ وَأَخَرُوا السُّحُورَ (رواه أحمد).

«Умматим модомики, ифторни
тезлатиб, сахарликни кечиктирад
екан, яхшилик устида давом
этаверади.» (Имом Аҳмад ривояти).

Сахарлик бир луқма таом ёки бир
култум сув билан бўлса-да ҳосил
бўлади:

السُّحُورُ أَكْلٌ بِرَبَكَةٍ فَلَا تَدْعُوهُ وَلَوْ أَنْ يَجْرِعَ أَحَدُكُمْ جُزْعَةً مِنْ مَاءٍ فَإِنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ وَمَلَائِكَتُهُ
يُصَلُّونَ عَلَى الْمُتَسَّرِّينَ (رواه أحمد).

«Сахарлик тановул қилиш
баракадир, агарчи бир култум сув
ичиш билан бўлса-да уни тарк
қилмангиз! Зоро, Аллоҳ азза ва

жалла ва малоикалари сахарлик
қилувчиларга салавот-салом йўллаб
турадилар.» (Имом Аҳмад ривояти).

Салафларнинг сахарликлари билан
азон ўртасида эллик оят қироат
қилиш миқдорида вақт бўларди.
Бирок, сахарликни бомдодга бир
неча лаҳза қолгунча ҳам давом
эттириш мумкин.

Ифторни эса тезлатиб, кун
ботишигаёқ оғизни очиш лозим.
Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва
саллам:

لَا يَرَأُ النَّاسُ بِخَيْرٍ مَا عَجَّلُوا لِفِطْرِهِ (متفق علىه).

«Одамлар модомики, ифторликни тезлатар эканлар, яхшилик устида давом этаверадилар», деганлар.

Аниқроқ ишонч ҳосил қилиш мақсадида ифторни кечиктириш дуруст эмас. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам юлдузлар күриниб қолгунча кечиктиришдан огоҳлантирганлар. **Саҳл ибн Саъдан ривоят қилинган ҳадисда:**

لا تزال أمتى على سنتي ما لم تنتظر بفطرها النجوم" (رواه ابن حبان).

«Умматим модомики, юлдузлар күрингунча ифторини кутиб турмас экан, менинг суннатимда давом этаверади», дедилар. (Ибн Ҳиббон ривояти).

Анас розияллоҳу анҳу: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни бир оз сув билан бўлса-да оғиз очмагунларича шом ўқиганларини кўрмадим», дедилар. (Ибн Ҳиббон ривояти).

Нима билан оғиз очиш ҳакида тўхталадиган бўлсак, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

إِذَا أَقْطَرَ أَحَدُكُمْ فَيُنْهِطُرُ عَلَى تَمْرٍ فَإِنَّهُ بَرَكَةٌ فَإِنْ لَمْ يَجِدْ تَمْرًا فَالْمَاءُ فَإِنَّهُ طَهُورٌ (رواه الترمذی).

«Биронтангиз оғиз очса, хурмо билан очсин, чунки у баракадир. Агар хурмо топмаса, сув билан очсин, чунки у покловчиdir.» (Имом Термизий ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уч дона хурмо билан оғиз очганлари ёки ўт тегмаган нарса билан оғиз очганлари ҳақида ҳам ривоятлар келган.

Оғиз очиш пайтида ўқиладиган махсус дуо ва зикрлар бор.

Ҳадисларда рўзадор одамнинг оғиз очиш пайтдаги дуоси ижобат бўлиши айтилган.

"اللّٰهُمَّ إِنِّي لَكَ صُمْتُ وَعَلٰى رُزْفٍكَ أَفْطَرْتُ".

«Аллоҳумма инний лака сумту ва ала ризқика афторту» (Эй Роббим, албатта мен Сен учун рўза тутдим ва Сенинг берган ризқинг билан ифтор қилдим) дуоси мазкур дуолардандир.

Оғиз очишга шошилишнинг сири, банда ўзининг нақадар ожиз ва заиф эканини сездиришидир. Аллоҳнинг ноз-неъматларидан тийилиб тураркан, изн келганидан кейин ҳам яна ўзини тийиб туравериши бандага я rashmайдиган иш. Аксинча, ифтор вақтини интиқиб кутиши, Аллоҳнинг ўзига берган неъматини тановул қилишга хурсандлик билан шошилмоғи лозим. **Абу Ҳурайра** розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

للصَّائِمِ فَرْحَانٌ يَفْرُحُهُمَا إِذَا أَفْطَرَ فَرَحَ وَإِذَا لَقِيَ رَبَّهُ فَرَحَ بِصَوْمِهِ (رواه البخاري).

«Рўзадор учун икки хурсандчилик бор: оғиз очган вақтида бир хурсанд

бўлади, Роббига йўлиққан пайтида рўзаси сабабли иккинчи бор хурсанд бўлади.» (Имом Бухорий ривояти).

Рўзадор киши бошқа бир рўзадорни ифтор қилдириши марғуб амаллардан. **Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:**

مَنْ فَطَرَ صَائِمًا كَانَ لَهُ مِثْلُ أَجْرِهِ غَيْرُ اللَّهِ لَا يَنْفَعُ مِنْ أَجْرِ الصَّائِمِ شَيْئًا (رواه الترمذی).

«Ким бир рўзадорни ифтор қилдирса, унга ўша рўзадорнинг ажрича ажр бўлади, бироқ бу, рўзадорнинг ажридан ҳеч нарсани камайтирмайди», деганлар. (Имом Термизий ривояти).

Сахарлик билан ифтор оралиғида рўзадор рўзани бузиш эҳтимоли

бўлган; таҳоратда бурунга қаттиқ сув тортиш, қон олдириш каби ишлардан тийилиши лозим бўлади.

Шунингдек, ўзини мажбурлаб қусищдан сақланиш керак, чунки бу рўзани бузади. Аммо ихтиёrsиз равишда қусиш рўзани бузмайди.

Шунингдек, ўз нафсини бошқара олишига ишонмаган одам аёlinи қучиш, эркалатиш каби ишлардан тийилиши керак. **Оиша розияллоҳу анҳо айтганлар:** «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам рўзадор ҳолларида аёлларидан бўса олардилар, қай бирингиз Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи ва салламдан
кўра шаҳватини жиловлоқчироқ?!»

Рўзадор одам кўп Қуръон ўқиши лозим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар йили Рамазонда бир бор Қуръонни тўлиқ Жибрил алайҳис-салом назарларидан ўтказиб олардилар, охирги йили икки марта ўтказиб олганлар.

Шунингдек, кўп садақотлар қилиши лозим. [Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан шундай ҳадис ривоят қилинган](#): «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларнинг энг сахийси эдилар. Рамазонда Жибрил алайҳис-салом билан

учрашганларида яна ҳам сахий бўлиб
кетардилар.» (Имом Бухорий ва
Имом Муслим ривоятлари).

Сўзимиз охирида Аллоҳдан бизларни
Ўзи яхши кўрадиган ва рози
бўладиган амалларга муваффақ
қилишини сўраймиз.

Ва соллаллоҳу ва саллама ва борака
ала саййидина ва набиййина
Мұхаммадин ва ала алиҳи ва
соҳбиҳи ажмаъийн.

Таржима ۲۳/۰۹/۲۰۰۷ нихоясига етди

1 ^ ;

[1] - Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи
ва саллам Мадинага янги ҳижрат
қилиб келгандаридан яхудларга баъзи
амалларда мувофиқ иш тутганлар.
Вақт ўтиши билан Ислом ва
мусулмонлар кучайиб, дин зоҳир
бўлгач Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи
ва саллам баъзи шиор ва либосларда
яхудларга хилоф иш тута
бошладилар. Ошуро рўзасини
ҳижрат қилган йилларидан бошлаб
то вафотларидан бир йил олдингача
фақат ўнинчи кунда тутиб келдилар,
вафотларидан олдин келгуси йилда
яхудларга хилоф ўлароқ тўққизинчи
кунни ҳам қўшиб тутишларини
эълон қилдилар. Бундан равшан

бўладики, рамазон рўзаси ՚- хижрий йилда фарз бўлгунича ва ундан кейин ҳам Ошуро факат бир кун тутиб келинган охирдан олдинги иили яхудларга қарама-қарши иш тутиш учун тўққизинчи кунни тутиш эълон қилинган. ИНТдан.